

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	13559,9	109,3
Саноат маҳсулоти	10965,1	112,2
Истеъмол товарлари	3172,8	116,6
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	4281,3	105,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3713,1	119,8
Қурилиш ишлари	1464,1	109,1
Юк айланмаси, млрд.тн–км	39,9	104,2
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	30,1	111,7
Чакана товар айланмаси	5522,2	114,4
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	1816,4	118,9
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	9812,6	131,1
Экспорт	6129,9	148,4
импорт	3682,7	109,8
Аҳоли пул даромадлари	9649,5	131,8
Аҳоли пул сарф–харажатлари ва жамғармалар	9474,2	129,3
Аҳолининг товар харид қилиш ва хизмат тўловлари пул сарф–харажатлари	7278,2	131,2
Иш қидирувчилар сифатида рўйхатда турганлар (ҳисобот даври охирига), минг киши ^{*)}	30,5	104,6
шу жумладан, расман рўйхатга олинган ишсизлар,	24,1	96,8

^{*)} Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича

	Млрд. сўм	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	---

минг киши


**Ялпи ички маҳсулот
ишлаб чиқариш**

2008 йилнинг январ–июнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 13559,9 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг реал ҳажми ўсиш суръати ўтган йилнинг январ–июнига нисбатан 9,3 фоизни ташкил қилди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 75,6 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 24,4 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.

ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида




- Давлат мулки
- Нодавлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар мулки
- Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида		2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	январ–июн		
	2007й.	2008й.	
Жами	100	100	109,3
шу жумладан:			
саноат	25,9	24,4	106,5
қишлоқ хўжалиги	11,8	10,8	105,4
қурилиш	6,7	6,8	109,1
транспорт ва алоқа	11,3	12,3	113,4
савдо ва умумий овқатланиш	10,8	11,2	120,3
бошқалар	20,9	21,7	108,8
Маҳсулотлар ва экспорт–импорт операцияларига соф солиқлар	12,6	12,8	106,6

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қўшилган қийматнинг физик ҳажм индекси саноат (106,5 фоиз), коммуникация (113,4 фоиз)

ва савдо (120,3 фоиз) тармоқларида юқори бўлганлиги ЯИМнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатди.

ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 40,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 2,1 фоизга ўсди. Шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ЯИМнинг 22,7 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 фоизга кўп бўлди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 481,6 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 451,5 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,8 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 59,8 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (14,3 фоизи), саноат (6,0 фоизи) ва қурилиш (4,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2007 йилнинг 1 июл ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	481,6	100	451,5	100
шу жумладан:				
саноат	28,8	6,0	23,5	5,2
қурилиш	20,1	4,2	16,6	3,7
қишлоқ хўжалиги	287,8	59,8	284,5	63,0
транспорт ва алоқа	6,7	1,4	6	1,3
савдо ва умумий овқатланиш	69,1	14,3	55,7	12,4
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	19,3	4,0	17,6	3,9

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,2	0,7	2,8	0,6
соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	9,6	2,0	9,1	2,0
таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	16,1	3,3	15,7	3,5
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	20,9	4,3	20	4,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,1 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 60,3 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 22,6 фоизи хусусий корхоналардир.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июл ҳолатига;
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2008 йил январ–июнида жами 22,9 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотлар–

нинг 15,2 фоизи), Фарғона (10,1 фоиз), Самарқанд (8,4 фоиз) ва Анди-
жон
(9,1 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

2008 йил январ-июнида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тар-
моқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат сектор-
ларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Давлат сектори
■ Нодавлат сектори

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳатлар шу секторда юқори ўсиш даражасига эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида ялпи ички маҳсулотнинг 40,2 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2007 йил январ-июнида 38,1 фоиз), шу жумладан 9,6 фоизи кичик корхоналар, 13,1 фоиз микрофирмалар ва 17,5 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик тадбиркорлик (бизнес) секторидаги жами бандларнинг 73,2 фоизини (7964,9 минг киши) таъминлади. Жами банд бўлганларнинг асосий қисми – 55,3 фоизи (6024,2 минг киши) хусусий сектор, ҳамда – 17,9 фоизи (1940,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш 18,7 фоизга ўсди ва 1361,9 млрд. сўмни (жами sanoat ишлаб чиқаришининг 12,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6,0 фоизга ўсиб, 4189,3 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,9 фоизи) ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 21,6 фоизини кичик бизнес субъектлари томонидан киритилган инвестициялар ташкил қилди, 810,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 23,3 фоизга ўсди.


Кичик бизнес субъектларининг автомобил транспортида юк айланмаси 18,3 фоизга ошди ва республика автомобил транспорти юк айланмасининг 66,9 фоизини, йўловчи айланмаси эса 11,2 фоизга кўпайиб, умумий йўловчи айланмасининг 84,5 фоизини ташкил этди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 45,8 фоизи ёки 2532,9 млрд. сўми (ўсиш 15,3 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 46,7 фоизи ёки 848,7 млрд. сўми (15,9 фоизга ўсган) кичик тадбиркорликда шаклланди.

Жорий йилнинг январ-июн ойларида 643,1 млн. АҚШ доллари (экспорт умумий ҳажмидан 10,5 фоизи) ёки 2007 йил январ-июнига нисбатан 127,6 фоиз маҳсулот экспорти ва 1280,8 млн. АҚШ доллари ёки умумий импортнинг 34,8 фоизи миқдориди маҳсулот импорти кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2008 йил январ-июнида кичик тадбиркорлик маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	525,8	38,6
Қишлоқ хўжалиги	4189,3	100
Қурилиш	574,9	70,9
Чакана савдо	2030,3	80,2
Пуллик хизмат	661,9	78,0
Юк ташиш, млн.тн	112,0	93,1
Йўловчи ташиш, млн.киши	1888,7	97,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	143,5	22,3

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсу- лоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркор- лик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Импорт, млн. АҚШ долл.	318,5	24,9

Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасар-руфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида 2008 йилнинг январ-июнида 237 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилган.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (24,9 фоизи), Тошкент (18,1 фоизи), Қашқадарё (8,4 фоизи), Наманган (7,6 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (43,5 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (17,7 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (6,3 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (4,2 фоиз), «Ўзбекнефтгаз» МХК (3,4 фоиз) объектлари ташкил қилади.

Жорий йилнинг январ – июнида вазирлик ва идоралар бўйича хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	237	100
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	103	43,5
Халқ таълими вазирлиги	15	6,3
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	42	17,7
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	10	4,2
«Ўзбекнефтгаз» МХК	8	3,4

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Бошқалар	59	24,9

2008 йилнинг январ–июнида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 84,9 млрд. сўмни ташкил ташкил қилди.

Пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 38,3 фоизи), Хоразм (21,2 фоиз), Сирдарё (19,3 фоиз) Тошкент (13,1 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг январ–июнида 9812,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,1 фоизга ортди, шу жумладан экспорт 6129,9 млн. АҚШ долларини (48,4 фоиз), импорт 3682,7 млн. АҚШ долларини (9,8 фоиз) ташкил қилди.

Ташқи савдо баланси ижобий бўлиб 2447,2 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан – 241,6 млн. АҚШ доллари, бошқа хориж мамлакатлари билан – 2205,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


Республика ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(млн. АҚШ доллари)

	2008й. январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	9812,6	131,1
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	3789,6	101,1
бошқа хориж мамлакатлари	6023,0	161,3

	2008й. январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	6129,9	148,4
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	2015,6	101,8
бошқа хориж мамлакатлари	4114,3	191,5
Импорт	3682,7	109,8
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	1774,0	100,3
бошқа хориж мамлакатлари	1908,7	120,4

Ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа хориж мамлакатлари–нинг улуши қуйидагича ифодаланади:




**Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар
динамикаси**



	Экспорт ва импорт таркиби, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2007й январ–июн	2008й январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	100,0	148,4
пахта толаси	16,7	13,5	120,0
озиқ–овқат маҳсулотлари	7,0	3,2	66,5
улардан истеъмол маҳсулотлари	6,3	2,9	69,6
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,6	5,6	148,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	19,8	21,6	162,3
қора ва рангли металллар	12,3	8,0	97,2
машина ва ускуналар	9,6	7,6	116,2
хизматлар	10,9	9,2	125,8
бошқалар	18,1	31,3	2,6 м.
Импорт	100,0	100,0	109,8
озиқ–овқат маҳсулотлари	8,0	8,9	121,2
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари	5,4	4,6	93,4
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	14,2	13,0	101,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	4,6	2,8	67,1
қора ва рангли металллар	7,6	8,7	125,9
машина ва ускуналар	45,0	48,8	119,1
хизматлар	6,1	6,0	104,9
бошқалар	14,5	11,8	89,4

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2007й.
январ – июн



2008й.
январ – июн







Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2007 йил январ – июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	19,9	91,1
Қозоғистон	7,7	103,3
Украина	7,1	146,0
Хитой	6,2	140,9
Туркия	4,8	114,2
Корея Республикаси	4,2	116,7
Швейцария	4,2	2,6м.
Эрон	3,9	107,1
Германия	2,8	142,1
Афғонистон	2,3	169,1
АҚШ	2,1	2м.
Сингапур	1,5	172,7
Латвия	1,5	2,8м.
Қирғизистон	1,1	112,0

	Республика товар айланмасида улу- ши, фоиз ҳисобида	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Тожикистон	0,9	66,0
Япония	0,9	2,3м.
Буюк Британия	0,8	82,6
Франция	0,8	62,5
Беларуссия	0,7	90,3
Италия	0,6	2,2м.
Туркманистон	0,6	177,1
Нидерландия	0,5	166,4
БАА	0,4	58,3
Ҳиндистон	0,4	98,5
Австрия	0,3	69,3
Озарбайжон	0,3	73,9
Белгия	0,3	118,0

Жорий йилнинг январ–июнида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2008 йилнинг январ–июнида саноат маҳсулоти ҳажми 10965,1 млрд. сўм, ёки ўсиш суръати 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 112,2 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 3172,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 116,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1313,8 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 1859,0 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 126,0 фоиз ва 110,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	10965,1	112,2
шу жумладан:		
электроэнергетика	943,8	100,7
ёқилғи	2065,8	119,5
қора металлургия	322,7	103,3
рангли металлургия	1446,5	93,9
кимё ва нефт–кимё саноати	532,9	108,4
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	1728,2	120,3
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	80,7	129,8
қурилиш материаллари саноати	570,5	108,2
енгил саноат	1638,0	112,4
озиқ–овқат саноати	1109,0	130,2
Истеъмол товарлари	3172,8	116,6
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	1313,8	126,0
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	1859,0	110,8

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш

	2008 йил январ-июн	2007 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи –энергетика саноати		
Электроэнергия, млн. кВт. соат	25,6	103,0
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	10,4	95,0
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	2416,9	94,9
Бензин, минг тн	727,9	103,9

	2008 йил январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Дизел ёқилғиси, минг тн	616,1	86,9
Мазут, минг тн	265,4	67,8
Керосин, минг тн	171,7	100,9
Мой, минг тн	134,2	90,9
Суюқлантирилган газ, минг тн	120,6	107,5
Қора металлургия саноати		
Пўлат, минг тн	351,7	102,6
Тайёр прокат, минг тн	332,9	102,8
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Минерал ўғитлар, минг тн	535,3	104,4
Сунъий аммиак, минг тн	623,4	102,3
Карбамид, минг тн	226,5	109,4
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	890	109,1
Олтингугурт кислотаси, минг тн	453,1	89,9
Кимёвий тола ва иплар, тн	6929	89,8
Калцийлаштирилган сода, минг тн	37,2	166,1
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, дона	90168	108,8
Автобуслар, дона	771	191,8
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	66874,7	126,1
Тракторлар, дона	1364	159,3
Аккумуляторлар, минг дона	234	112,5
Трактор культиваторлари, дона	990	107,7
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	3209	51,0
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	102797	2,1м.
Ўтказиш симлари, км	6469	139,4
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	4485	76,5
Қурилиш материаллари саноати		

	2008 йил январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Цемент, минг тн	3122,0	99,2
Шифер, млн. шартли плитка	218,8	90,9
Ўйма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	78,8	76,7
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	5459,5	105,4
Бутилкалар, млн. дона	141,5	99,2
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	717,5	109,4
Чигит, минг тн	1120,7	110,1
Пахта линти, минг тн	50,9	114,4
Ипак тола, тн	150,7	86,1
Бир ипли тўқима ип газлама, минг тн	71,0	97,5
Газлама – жами, млн. кв. м	64,2	77,4
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	16841	89,8
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	4436	99,8
Озиқ–овқат саноати		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	8,9	109,4
Консервалар, млн. шартли банка	52,6	100,1
Шакар, минг тн	129,9	2,1м.
Ўсимлик ёғи, минг тн	156,8	107,7
Макарон маҳсулотлари, минг тн	8,2	96,2
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	3912	111,6
Вино, минг дал	1169	100,2
Пиво, минг дал	6786,1	118,8
Маъданли сув, млн. ярим литр	100,7	124,8
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	4854	124,1
Ун–ёрма ва омехта ем саноати		
Ун, минг тн	676,2	91,1
Ёрма, минг тн	1,2	197,9

	2008 йил январ–июн	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Омихта ем, минг тн	308,4	106,9


Қишлоқ хўжалиги

2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4281,3 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 2169,1 млрд. сўмни (2007 йил январ–июнига нисбатан 104,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари–2112,2 млрд. сўмни (106,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3568,3 минг га.ни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1542,5 минг гектар, пахта экин майдони 1418,6 минг гектар, картошка – 59,2 минг гектар, сабзавот экинлари – 157,9, озуқа экинлари – 271,8 минг гектар майдонни ташкил қилди.

2008 йилнинг январ–июнида асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони:

	(минг гектар)				
	январ–июн		2007 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Таркиби, фоизда	
	2007й.	2008й.		2007й.	2008й.
Экин майдони	3560,3	3568,3	100,2	100,0	100,0
шу жумладан:					
Донли экинлар	1538,5	1542,5	100,3	43,2	43,2
шундан:					
бошоқли экинлар	1431,5	1465,3	102,4	40,2	41,1
шундан:					
буғдой	1382,2	1368,6	99,0	38,8	38,4
шоли	48,0	25,7	53,5	1,3	0,7
дон учун маккажўхори	34,1	30,7	90,0	1,0	0,9
Техник	1477,1	1496,1	101,3	41,5	41,9
шу жумладан:					
пахта	1451,3	1418,6	97,7	40,8	39,8
Картошка	55,6	59,2	106,5	1,6	1,7
Сабзавотлар	159,8	157,9	98,8	4,5	4,4
Полиз экинлари	39,0	40,8	104,6	1,1	1,1
Озуқа экинлари	290,0	271,8	93,7	8,1	7,6

Ҳосил йиғими. 2008 йил 1 июл ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 5402,7 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 5398,1 минг тоннаси бошоқли экинлар ва 5313,3 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янчилган доннинг юқори ўсиш даражаси Қашқадарё (42,6 минг тонна ёки 5,6 фоизга), Андижон (7,8 минг тонна ёки 1,7 фоизга), Тошкент (12,4 минг тонна ёки 3,9 фоизга) ва Сирдарё (26,1 минг тонна ёки 8,8 фоизга) вилоятларида кузатилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 646,3 минг тонна картошка қазиб олинди, 1137,7 минг тонна сабзавот йиғиб олинди, 73,9 минг тонна

полиэ экинлари, 393,2 минг тонна мева ва резаворлар ва 10,9 минг тонна узум етиштирилди.


Чорвачилик. 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига йирик шохли қорамоллар 427,0 минг бошга (5,9 фоизга), шу жумладан сигирлар 158,6 минг бошга (5,2 фоизга), қўй ва эчкилар 618,7 минг бошга (4,7 фоизга), паррандалар 3228,1 минг бошга (13,8 фоизга) кўпайди.

2008 йилнинг январ–июнида барча тоифадаги хўжаликларда 597,8 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга кўп), 2463,8 минг тонна сут (6,6 фоизга кўп), 1075,8 млн. дона тухум (7,5 фоизга кўп), 12,2 минг тонна жун (6,7 фоизга кўп), 784,7 минг дона қоракўл тери (13,2 фоизга кўп), 23,5 минг тонна пилла (9,5 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 96,9 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда – 60,4 фоизни ташкил этди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

жами ишлаб чиқаришга нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига фаолият юритаётган фермер хўжалиklarининг сони 223,8 мингтага етди. Уларга бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 5830,7 минг гектарни ташкил қилди. Фермер хўжалиklarида банд бўлганлар сони

1420,0 минг кишини, шундан ёлланма ишчилар сони эса 235,9 минг кишини ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 59,4 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,9 фоизга), шу жумладан сигирлар 28,1 минг бошга (21,7 фоизга), қўй ва эчкилар 81,6 минг бошга (9,1 фоизга), паррандалар 1292,5 минг бошга (2,3 мартага) кўпайди.

Фермер хўжаликларида январ–июн ҳолатига асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2008й.		2007 йил январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	4448,2	82,4	98,7
шу жумладан буғдой	4378,7	82,4	98,1
Картошка	43,9	6,8	129,9
Сабзавотлар	162,6	14,3	159,8
Полиз экинлари	31,0	41,9	2,1м.
Мевалар	122,8	31,2	131,3
Узум	2,1	19,3	76,9
Гўшт, тирик вазнда	12,7	2,1	114,2
Сут	64,1	2,6	120,1
Тухум, млн. дона	44,4	4,1	145,2
Жун, тонна	752	6,2	120,4
Қорақўл, минг дона	31,9	4,1	107,9
Пилла, тонна	22416,0	95,6	124,0

Пиллачилик. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига республика бўйича 23450,2 тонна пилла хом ашёси тайёрланган (2007 йилга нисбатан 109,5 фоиз). Шундан 1,1 тоннаси олий нав, 16,7 тоннаси элита нав,

223,9 тоннаси уруғлик, 9807,6 тоннаси биринчи нав, 6292,6 тоннаси иккинчи нав, 795,0 тоннаси ностандарт, 4299,5 тоннаси навсиз, 2013,8 тоннаси қорапўчоқдир.

Инвестициялар ва қурилиш

2008 йилнинг январ–июнида республиканинг асосий капитални кўпайтиришга 3713,1 млрд. сўм миқдоридан инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2007 йил январ–июнига нисбатан 119,8 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

(якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича				
		рес- пуб- лика бюдже- ти	кор- хоналар ва аҳо- ли маб- лағлари	чет эл инвес- тиция- лари ва кредит- лари	банк кредит- лари ва бошқа қарз маб- лағлари	бюд- жетдан ташқар и фонд- лар маб- лағлари
Жами	3713,1	13,8	53,3	20,4	3,1	9,4
шу шумладан мулкчилик шакллари бўй- ича:						
давлат	1156,3	44,2	21,4	8,7	0,2	25,5
нодавлат	2556,8	–	67,8	25,7	4,4	2,1

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвести- циялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2008й. январ–июн	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
Жами	3713,1	100,0

2008й.
январ–июн


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
Ишлаб чиқариш тармоқлари	2549,0	68,6
саноат	1065,5	28,7
шу жумладан:		
ёқилғи–энергетика	580,9	15,6
металлургия	182,1	4,9
кимё ва нефт–кимё	43,5	1,2
машинасозлик	65,1	1,7
енгил саноат	65,4	1,8
озиқ–овқат	51,2	1,4
қурилиш материаллари	51,7	1,4
қишлоқ хўжалиги	114,3	3,1
қурилиш	45,4	1,2
транспорт ва алоқа	932,5	25,1
савдо ва умумий овқатланиш	52,6	1,4
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	338,7	9,1
ноишлаб чиқариш тармоқлари	1164,1	31,4
уй–жой қурилиш	411,3	11,1
коммунал хўжалик	48,2	1,3
соғлиқни сақлаш	47,8	1,3
таълим	567,7	15,3
маданият ва санъат	21,8	0,6

	2008й. январ–июн	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	67,3	1,8

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2549,0 млрд. сўми ёки 68,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 1164,1 млрд.сўм ёки 31,4 фоизи йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитлари-ни ўзлаштириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2008 йилнинг январ–июнида умумий майдони 3941,7 минг кв. м. бўлган 33,3 мингта уй–жой (2007 йил январ–июнига нисбатан 106,5 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида–3417,9 минг кв.м. (104,7 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 234,5 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 20,1 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 41,3 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун ишлатилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 87,7 фоизи мактаб фонди, 8,3 фоизи болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 306,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 26,4 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 54,0 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 27,0 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 9,7 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 36,0 фоизи), корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 4,3 млрд. сўм (15,8 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 3,2 млрд. сўм, шундан корхоналар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 3,16 млрд. сўмлик (98,4 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2008 йилнинг январ–июнида 1464,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 109,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,2 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 21,2 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва 11,6 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2007й.
январ— июн



2008й.
январ— июн



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт

Юк ташиш. 2008 йилнинг январ—июнида барча транспорт турлари томонидан 435,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизга, юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 39,9 млрд.тн-км.ни ташкил қилди ва 4,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2008 й. январ—июн	2007 йил январ—июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	435,0	106,6

шу жумладан:


темир йўл транспортида	30,1	108,1
автомобил транспортида	366,3	107,2
ҳаво транспортида, минг тн	3,3	97,1
қувур йўллари орқали	38,6	99,6
Юк айланмаси, млрд. тн-км	39,9	104,2

шу жумладан:

темир йўл транспортида	11,1	103,7
автомобил транспортида	9,4	114,5
ҳаво транспортида, млн. тн-км	45,5	112,9
қувур йўллари орқали	19,3	100,1

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



Асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	Минг тонна	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	30076,1	108,1
шу жумладан:		
тошкўмир	1683,0	119,0
нефт маҳсулотлари	7093,7	105,1
қора металллар	549,2	134,2
қора метал темир–терсаклари	512,4	98,1
кимёвий ва минерал ўғитлар	2154,4	104,0
қурилиш материаллари	4358,4	79,9
цемент	2930,2	114,7
ёғоч–тахта материаллари	123,0	128,1
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	688,8	82,2

Автомобил транспортида 366,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 7,2 фоизга кўпайди. Юк айланмаси 14,5 фоизга кўпайди ва 9437,7 млн. тн–км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2007 йил январ–июн даражасидан 19,1 фоизга кўпайди ва 6,2 млрд.

тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 65,7 фоизни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 3,3 минг тонна юк жўнатилиб, 2007 йил январ-июнига нисбатан 2,9 фоизга камайди, юк айланмаси эса 5,2 млн. тоннага ёки 12,9 фоизга кўпайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2007 йил январ-июнига нисбатан 0,1 фоизга кўпайди ва 19,3 млрд. тн-км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. Жорий йилнинг январ-июнида барча транспорт турлари томонидан 2524,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг ушбу даврига нисбатан 9,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 11,7 фоизга кўпайиб, 30,2 млрд. йўловчи-км.ни ташкил қилди.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2008 й. январ-июн	2007 йил январ-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	2524,3	109,7
темир йўл транспортида	6,6	114,8
автомобил транспортида	2451,2	110,0
ҳаво транспортида	0,7	122,2
шаҳар электр транспортида	65,8	98,6
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	30,2	111,7
темир йўл транспортида	1,2	109,3
автомобил транспортида	26,0	112,5
ҳаво транспортида	2,6	107,1
шаҳар электр транспортида	0,4	101,1


2008 йил биринчи ярим йиллигида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

йўловчи ташиш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

Йўловчи ташиш



Йўловчи айланмаси



- Темир йўл
- Ҳаво йўли
- Шаҳар электр транспорти
- Автомобил

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди – 97,1 фоиз ёки 2451,2 млн. киши, йўловчи айланмасида – мос равишда 86,2 фоиз ва 26,0 млрд. йўловчи-км.

2008 йилнинг январ-июнида темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,8 фоизга кўпайди ва 6,6 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 9,3 фоизга ўсди ва 1177,5 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 736,9 мингта йўловчи ташилиб, бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 22,2 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса тегишли равишда 2586,9 млн. йўловчи-км. ва 7,1 фоизга кўпайди.

Шаҳар электр транспортида 65,8 млн. йўловчи ташилган бўлиб, бу 2007 йил январ-июнига нисбатан 1,4 фоизга камайди. Троллейбус транспорти орқали 2,7 млн ёки ўтган йилга нисбатан 34,4 фоиз кам, шунингдек, трамвай транспорти орқали 0,8 млн ёки ўтган йилга нисбатан 3,4 фоиз кам йўловчи ташилган.

Товарлар ва хизматлар бозори

Ҳисобот даврида чакана товар айланмаси 5522,2 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига 114,4 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ– июнига нис- батан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фо- из ҳисобида
Жами	5522,2	114,4	100
давлат мулки	11,5	101,9	0,2
нодавлат мулки	5510,7	114,4	99,8
ундан фуқароларнинг ху- сусий мулки	4288,9	111,6	77,7

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январ–июнида 1975,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, 28,5 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 35,8 фоизни ташкил қилди (2007 йилнинг январ–июнида 27,5 фоиз).

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айлан-маси умумий товар айланмасининг 32,0 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 7,1 фоизга ошди ва 2157,9 млрд. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 39,1 фо-изни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 1389,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 8,8 фоизга ошган. Товар айланмаси-нинг умумий ҳажмида унинг улуши 25,1 фоизни ташкил қилди.

Жорий йил январ–июнида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 й. январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	5522,2	114,4	100
шу жумладан:			
савдо корхоналари	1975,1	128,5	35,8
бозорлар	3547,1	107,8	64,2
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозор– лар	1389,2	108,8	25,1
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	2157,9	107,1	39,1

Озиқ–овқат молларини сотиш ҳажми 114,7 фоизни, ноозиқ–овқат молларини сотиш ҳажми эса 114,1 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмаси таркибида озиқ–овқат моллари улуши 49,7 фоизни, ноозиқ–овқат моллари улуши 50,3 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1816,4 млрд. сўмни, унинг ўсиши 2007 йил январ–июнига нисбатан 18,9 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (65,6 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми 1190,9 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 121,3 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,6 фоизга ўсиб, 625,5 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 34,4 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 76,7 фоизни ташкил қилди (2007й. январ–июнида 77,4 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида	Маълумот учун: 2007 й. январ–июни якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1816,4	100	100
давлат мулки	422,3	23,3	22,6
нодавлат мулки	1394,1	76,7	77,4
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	676,1	37,2	37,8

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 10,3 фоизни ёки 187,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг ҳажми 2007 йил январ–июнига нисбатан 22,0 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 88,8 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 166,3 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 23,4 фоизни ташкил қилди.

2008 йил январ–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 7853,3 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 1760,6 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 22,4 фоизини ташкил қилди. 2007 йилнинг шу даврига нисбатан ҳақиқий ўсиш 19,0 фоизни ташкил этди.

2008 йил биринчи ярим йиллигида хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича (амалдаги нархларда) қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	7853,3	119,0	100
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматла-	1429,8	120,2	18,2

	Млрд. сўм	2007 йил январ– июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
ри			
Транспорт хизматлари	2608,5	106,1	33,2
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	570,0	145,6	7,3
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	561,9	139,6	7,2
Туризм–саёҳат хизматлари	11,4	115,4	0,1
Меҳмонхона хизматлари	24,3	111,5	0,3
Коммунал хизматлар	1210,0	113,4	15,4
Маиший хизматлар	122,6	125,8	1,6
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	62,4	135,8	0,8
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	1252,4	133,0	15,9

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда (145,6 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда (139,6 фоиз) автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (135,8 фоиз), маиший хизматлар (125,8 фоиз) юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида турлари бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 33,2 фоизи), савдо ва овқатланиш (18,2 фоизи),

коммунал (15,4 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (7,3 фоизи) ва молиявий (7,2 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Нарх-наво ва инфляция

2007–2008 йилларнинг январ–июнида
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(нарх-навоининг ўсиши фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		Июн ойи ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Истеъмол нархлари индекси				
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,4	0,6	2,7	3,4
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	0,2	0,3	1,3	1,8
хизматлар	0,4	0,5	2,2	2,9
хизматлар	1,4	1,6	8,5	10,3
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	0,9	0,8	5,4	4,7
Юк ташиш тарифларининг индекси	1,4	6,0	8,7	42,1
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,1	0,5	0,8	3,0

2007–2008 йилларнинг январ–июнида саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2007й.	2008й.
Жами	105,4	104,7
шу жумладан:		
электроэнергетика	113,2	118,4

	2007й.	2008й.
ёқилғи	107,2	105,2
қора металлургия	103,9	112,4
рангли металлургия	105,1	79,9
кимё ва нефт–кимё	107,8	117,0
машинасозлик	101,7	104,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз	107,1	113,9
қурилиш материаллари	106,9	108,4
енгил саноат	100,8	104,7
озиқ–овқат саноати	103,7	116,1
ун–ёрма саноати	100,0	126,7

**2007–2008 йилларнинг январ–июнида транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2007й.	2008й.
Юк транспорти – жами	108,7	142,1
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	103,4	115,5
автомобил транспорти	111,4	110,2
ҳаво транспорти	102,0	171,2
қувур йўллари	108,3	151,4

**2007–2008 йилларнинг январ–июнида юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2007й.	2008й.
Жами хизматлар	100,8	103,0
шу жумладан		
почта алоқаси	100,0	124,7
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0

	2007й.	2008й.
телеграф алоқаси	100,0	100,0
уяли алоқа	102,0	101,6

Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида 31,8 фоизга кўпайди ва 9649,5 млрд. сўмни ташкил қилди, аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари 29,3 фоизга кўпайиб, 9474,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Аҳолининг пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари динамикаси қуйидагича ифодаланади:

	(млрд. сўм.)		
	Аҳоли пул даромадлари	Аҳоли пул харажатлари ва жамғармалари	Даромадларининг харажатлардан фарқи
Январ–июн			
2007й.	7321,3	7328,5	-7,2
2008й.	9649,5	9474,2	175,3

2008 йилнинг январ–июнида аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида	2007 й. январ–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами даромадлар	9649,5	100,0	131,8
шу жумладан:			
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	3218,2	33,4	143,4
тадбиркорлик даромадлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган ҳолда, мол–мулкдан олинган ва бошқа даромадлар	4690,4	48,6	122,1

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида	2007 й. январ–июнига нисбатан фо- из ҳисобида
ижтимоий трансфертлар	1740,9	18,0	141,0
Жами харажатлар ва жамғармалар	9474,2	98,2	129,3
шу жумладан:			
истеъмол харажатлари	7278,2	75,4	131,2
мажбурий тўловлар ва бадаллар	650,2	6,8	125,6
омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, ҳамда валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг ўсиши ва бошқа харажатлар	1545,8	16,0	122,2

Аҳоли пул даромадларининг умумий ҳажмида тадбиркорлик фаолиятидан (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан тушган даромадларни қўшган ҳолда) ва мол-мулкдан олинган даромадлар улуши юқори бўлиб, умумий пул даромадларининг 48,6 фоизини ташкил қилди ҳамда ўсиш сурати 2007 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 22,1 фоизни ташкил этди.

Умумий пул даромадларининг 33,4 фоизини меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган даромадлар ташкил қилган бўлса, 18 фоизини ижтимоий трансфертлар ташкил қилди.

Аҳолининг истеъмол харажатлари 31,2 фоизга кўпайди ва 7278,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Истеъмол харажатларининг улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 75,4 фоизни ташкил этди. Мажбурий тўловлар ва бадалларга ҳақ тўлаш харажатлари 25,6 фоизга кўпайди ва 650,2 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг пул даромадларидаги улуши 6,8 фоизни ташкил этди. Омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг улуши 16,0 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:


(пул даромадларига нисбатан фоизда)

	Аҳоли пул даромадлари, жами	Улардан қуйидагиларга фойдаланилди			Аҳоли пул қолдининг ўзгариши
		товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар	мажбурий тўловлар ва бадаллар	жамғармалар ва қимматли қоғозлар, валюта харид қилиш ва бошқалар	
Январ–июн					
2007й.	100	75,7	7,1	17,3	-0,1
2008й.	100	75,4	6,8	16,0	1,8

2008 йилнинг январ–июнида аҳоли жон бошига пул даромадлари 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 29,7 фоизга ўсиб, 355 минг сўмни ташкил қилди.

Аҳоли номинал пул даромадларининг ўсиш суръати истеъмол нархларининг ўсиш суръатидан юқори бўлиб, натижада аҳолининг реал пул даромадлари 23,4 фоизга кўпайгани қуйидаги графикда кўринади:

2007 йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2008 йилнинг 1 июл ҳолатига республикада мавжуд аҳоли сони 27,3 млн. кишини ташкил қилди ва йил бошидан 217,9 минг кишига ёки 0,8 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 231,8 минг кишини ташкил этди. Улардан 166,6 минг ёки 71,9 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

2008 йил биринчи ярим йиллигида миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, минус 13,9 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати январ–июн ойларида қуйидагича ифодаланади:

	Минг киши			Ҳар 1000 кишига	
	2007й.	2008й.*)	ўсиш, камайиш (-)	2007й.	2008й.*)
Туғилганлар	287,2	305,1	17,9	21,6	22,5
Ўлганлар	74,6	73,3	-1,3	5,6	5,4
шу жумладан бир ёшгача болалар	4,1	4,1	0,0	14,4**)	13,2**)
Табиий ўсиш	212,6	231,8	19,2	16,0	17,1
Никоҳлар	94,8	97,7	2,9	7,1	7,2
Ажралишлар	9,2	9,1	-0,1	0,7	0,7

2008 йил биринчи ярим йилида туғилганлар сони 305,1 минг кишини ташкил қилди ва 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 17,9 минг киши ёки 6,2 фоизга кўпайди, туғилиш коэффиценти 21,6 промилледан 22,5 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг ўсиши республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Андижон (20,7 дан 22,8 промиллега), Наманган (21,8 дан 23,5 промиллега) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (21,0 дан 22,3 промиллега)

*) Баҳо

**) ҳар 1000 та туғилганга

кузатилди. Туғилишнинг энг паст даражаси Тошкент шаҳрида (18,3 промилле) ва Бухоро вилоятида (19,9 промилле) сақланиб қолмоқда.

2007 йилнинг шу даврига нисбатан ўлганлар сони 1,3 минг кишига ёки 1,7 фоизга камайди. Ўлганлар сонининг камайиши Фарғона ва Бухоро вилоятларидан ташқари барча вилоятларда кузатилди. Энг кўп ўлим ҳоллари Тошкент шаҳрида (8,4 промилле) сақланиб қолмоқда.

Ўлганлар умумий сонидан 60,5 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 6,6 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йил биринчи ярим йилида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 4,1 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 2007 йил январ–июндаги 14,4 промилледан 13,2 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 36,2 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 45,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 9,4 фоизи туғма аномалиялардан, 4,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

2007 йилнинг биринчи ярим йилида 97,7 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 9,1 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 7,2 никоҳ ва 0,7 ажралишлар тўғри келмоқда (2007й. январ–июнида мос равишда 7,1 ва 0,7).

Меҳнат ресурсларининг сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2007 йил биринчи ярим йилига нисбатан 2,9 фоизга кўпайиб, 10886,6 минг кишини ташкил қилди.

Банд бўлганлар сонининг ўсиши моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сонининг 3,5 фоизга, ноишлаб чиқариш соҳасида 2,6 фоизга кўпайиши ҳисобига бўлди.

Банд бўлган аҳолининг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келиб, савдо, умумий овқатланиш, сотиш ва тайёрлашда (7,2 фоиз), қурилишда (4,2 фоиз), саноатда (3,9 фоиз), транспорт ва алоқада (3,9 фоиз) банд бўлганлар сони жадал суръатларда ўсди.


Ишсизлик. 2008 йил январ–июнда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 325,3 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 92,2 минг кишига ёки 39,6 фоизга кўпдир.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг 72,1 фоизи – қишлоқ жойларидаги аҳолини ташкил қилади,

1,0 фоизи 16 ёшдан 18 ёшгача, 53,2 фоизи 18 ёшдан 30 ёшгача, 45,1 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганларни ташкил қилади.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 283,4 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 87,1 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2007 йилнинг январ–июнига нисбатан 2,5 фоизга юқори.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:



Жами мурожат этганлардан 88,8 фоизи иш билан таъминланиб, ундан 85,0 фоиз хизматчилар, жами 88,2 фоиз ёшлар (16 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар), 86,0 фоиз аёллар, 88,1 фоиз эркеклар, 87,4 фоиз қишлоқ аҳолиси ишга жойлаштирилди.

Жорий йилнинг июн ойи охирига ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрида, – 4,4 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 14,6 фоизи), Хоразм вилоятида – 3,5 минг киши (11,5 фоизи) ва Қашқадарё вилоятида – 3,4 минг киши (11,2 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг июн ойи охирига 24,1 минг киши ёки 79,1 фоизи ишсиз деб эътироф этилган, улардан 8,4 минг киши (34,8 фоизи) ишсизлик бўйича нафақа олади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2008 йил биринчи ярим йилида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш чорвачилик ва касаначилик доирасида республика бўйича 372,1 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Аксарият иш жойлари Тошкент шаҳрида (янги иш жойлари умумий сонининг 9,5 фоизи), Самарқанд (11,3 фоизи), Қашқадарё (9,6 фоиз)

зи), Фарғона (9,4 фоизи), Тошкент вилоятларида (8,0 фоизи), ташкил қилинган.

Республика бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 69,9 фоизи (260,2 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.